



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2009 йил
26 декабрь
ШАНБА
№ 103
(12.219)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ, котибият ва бошқармалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шахар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди.

Сессияни вилоят ҳокими Рустам Холматов олиб борди.

Сессия вилоят маҳаллий бюджетининг 2008 йилги ижросини тасдиқлаш ва маҳаллий бюджетнинг 2010 йилги лойиҳаси тўғрисидаги масала юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Солиқ Абдуллаевнинг маърузасини тинглади. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Раҳимжон Умиров сессияда кўшимча маъруза билан чиқди.

Масалани муҳокама қилишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедов, Ангрен шахар ҳокими Абдулла Юнусов сўзга чиқди. Маърузачи ва нотиклар бюджетни тўлдириш манбаларини оқилона ишга солиш, маб-

лағларни сарфлаш интизомини мустаҳкамлаш, ижро устидан депутатлик назоратини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари Жамшид Қўқоров сўзга чиқди.

Сессия вилоятнинг 2008 йилги маҳаллий бюджетни ижросини даромадлар бўйича 444 миллиард 721 миллион сўм, харажатлар бўйича 378 миллиард 16 миллион сўм ёки даромадлар харажатлардан 66 миллиард 705 миллион сўм миқдорида ошган ҳолда, вилоятни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш параметрларига асосан маҳаллий бюджет даромадлар ва харажатлар қисмларини 641 миллиард 721,9 миллион сўм миқдорларида тасдиқлаб, тегишли қарорлар қабул қилди.

ТАДБИР МАРОҚЛИ БЎЛДИ

Халқ таълими вазирлиги ташаббусига кўра, декабрь ойи таълим муассасаларида "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фани ойлиги деб эълон қилинди.

Ана шу мақсадда Юқоричирчиқ туман халқ таълими бўлимига қарашли 10-умумий ўрта таълим мактабиди "Мустақил Ўзбекистоннинг эзгу, билимдон ёшлари" мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда 5-9-синф ўқувчилари фаол иштирок этиб, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" фанининг бошланғич нуқтаси бўлган одобнома ва Ватан туйғуси фанларидан олган билимларини синаб кўрдилар.

Тадбир доирасидаги кўрик-танловда юқори синф ўқувчилари ўртасида қизгин беллашувлар ўтказилди. Мана шундай ибратли ва ўқувчиларга манзур бўлган тадбирларни тайёрлашда мактаб ўқувчилари Г. Нормуродова, Д. Ибраева, Г. Илимвалар бош-қош бўлдилар.

Абдузхур КОРАБОЕВ.

МАЪНАВИЯТ – ИНСОН КЎРКИ

Сўнгги пайтларда ёшлар ўртасида диний экстремизм, ақидапарастлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида турли тадбирлар ўтказиш аниқлаш бўлмоқда. «Қишлоқ қурилиш банки»нинг вилоят бошқармасида бўлиб ўтган йилги шу мавзуга бағишланди.

Йилги маънавият диний экстремизм, ақидапарастлик каби иллатлар инсонийликка ёт эканлиги, бу борада ёшлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик зарурлиги алоҳида таъкидланди. Маънавият юксак одам ҳеч қачон йўлдан адашмайди, – дейди банк бош мухассиси Абдулла Юнусов. – Шиддат билан ўзгариб бораётган замонда ҳамisha хушёр бўлиш талаб этилади.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарига илгари сурилган ғоялар, фикр-мулоҳазалар ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этишди. Учқун ҲАМДАМОВ.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилга бағишлаб "Микрокредитбанк" томонидан эълон қилинган "Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" танловининг ҳудудий босқичлари ниҳоясига етди.

ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲА

Яқинда банкнинг вилоят филиалида мазкур танлов ғолибларини аниқлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ғолибларни саралашда тақдим этилган лойиҳаларнинг долзарблиги ва аҳолини иш билан таъминлашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Яқинда Келес шаҳридаги "Garant Azia" масъулияти чекланган жамият томонидан тақдим этилган лойиҳа танловнинг вилоят босқичида 1-ўринга лойиҳа, деб топилди. Алишер РАҲМАТОВ.

Ҳар куни пойтахтга вилоятимиз туман ва шаҳарларидан минглаб йўловчилар қатнайди. Уларнинг орасида хизматчилар, олий ўқув юртлари талабалари, касб-хунор коллежи ҳамда академик лицей ўқувчилари, тиббиёт ходимлари, корхона ишчилари бор. Йўловчилар ўз манзилларига тез етиб олишларини таъминлаш мақсадида бугунги кунда вилоятда қулай транспорт тизими шаклланди.

Илгарилари чекка туманлардан пойтахт марказига етиб келиш учун камда иккита ёки учта транспорт воситасига чиқишга тўғри келарди. Бу эса йўловчилар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқарарди. Бугун эса манзара бутунлай ўзгача. Вилоятда йўловчи транспорт тизими изчил тақомиллаштирилаётгани туфайли аҳолининг узоғи яқин бўлаётди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари харақатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг ташкил этилиши бу борада муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Бугун департамент томони-

дан ўтказилаётган тендер танловлари туфайли вилоятимизнинг энг чекка туманларида ҳам йўловчи транспорт муаммоси барта-раф этилаётди. Охириг икки йилда турли йўналишларга 800 га яқин "Исузу" русумидаги автобуслар қўйилди. Уларнинг аксарияти Тошкент йўналиши эканлиги кўпчилиги мамнун этмоқда. Бугунги кунда "TOSHVIL-TRANSTERMINAL" уюшмасига қарашли юзлаб "Исузу" автобуслари ва маршрут таксилари вилоят туманларидан йўловчиларни пойтахтдаги Собир Раҳимов метро бекати, "Машинасозлар", "Чорсу савдо маркази", "Пахтакор", "Кўйлик", "Жанубий вокзал" каби автошоҳбекатларга беҳавотир етказиб келаётди.

Бирок, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2009 йил 9 февралдаги "Тошкент шаҳри ҳудудидида йўловчи ташиш автомобиль транспорт харақатини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ – Бекобод йўналиши – Кўйлик, Олмалик йўналиши – Кўйлик, Тўзёл йўналиши – Авиасозлар, Чирчиқ йўналиши – ТТЗ, Чимкент йўналиши – Юнусобод 10-даҳаси, Келес йўналиши – Беруний метро бекати, Чиноз-Янгийўл йўналиши – Жанубий вокзал, Ўнқирғон йўналиши – Юнусобод 12-даҳаси, Назарбек йўналиши – Ширин автобуслар шоҳбекатлари эътиб белгиланганлиги Тошкент шаҳрига вилоят, туман ва шаҳарларидан қатнаётган йўловчилар учун муаммо туғдирамасмикин?

Тизимга эътибор туфайли узоғимиз яқин бўлапти, – дейди Ўртачирчиқ туманида яшовчи Ахрор Мўминов. – Мен доим Тошкент-Амри Темур хибобини йўналиши бўйлаб ишга қатнайман. Иш жойим марказда бўлганлиги боис бу йўналиш менга жуда қулай. Доим мен билан бирга Тошкент Давлат шарқ-шўнослик институти талабалари

ҳам келишади. Ишга ва ўқишга ўз вақтида етиб келишимизда йўналишли таксининг аҳамияти ниҳоятда катта.

Сўнгги йилларда Тошкент туманига қарашли Келес автокорхонаси томонидан пойтахтнинг "Чорсу", "Пахтакор" автошоҳбекатларига ўнлаб янги йўналишлар очилди.

Бугунги кунда мазкур йўналишларда корхона раҳбарияти саъй-ҳаракатлари туфайли замонавий "Исузу" русумидаги автобуслар қўйилганлиги биз йўловчиларга жуда ҳам маъқул бўлган, – дейди келеслик Гулмира Жўзбанова. – Аммо Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан чиқарилган қарорда тумандаги автобусларнинг шаҳарга кириш нуқтаси Беруний метро бекати қилиб белгиланганлиги аҳоли учун бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Маълумки, "Чорсу" шоҳбекати бизнинг йўналишимиз учун энг маъқул бекат бўлиб, туман аҳолисининг кўпчилиги шу ерга қатнайди. Агарда автобуслар қатнови Беруний бекатига белгиланса, йўловчилар сарсон

бўлиб қолмасмикин? Шунингдек, ушбу йўналишларда кўпчилик фарзандларимиз пойтахтдаги ўқув юртларига қатнайдилар. Уларни бир транспортдан иккинчи транспортга ўтишида бахтсиз ҳодисалар кўпаймаслигига ким кафолат беради?

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Ўртабосимиз томонидан қишлоқ ҳудудларидаги аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган катта-катта тадбирларга бу қарор қай даражада мос тушди, – дейди Тошкент тумани Навоий маҳалласида яшовчи Шарифжон Юсупов. – Бугун қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни янада камайтиришга иртибнаётган бир паллада бундай қандайдан тушуниш мумкин? Тўғри, ушбу қарорда пойтахтда транспорт харақати хавфсизлигининг олдини олиш мақсади қўзланган. Аммо юқорида қайд этилган автошоҳбекатларда ҳаракат тартиби нозимхоналар орқали мувофиқлаштирилиши, транспорт воситаларининг техник, ҳайдовчиларнинг тиббий ҳолати доимо на-

зоратда-ку. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги "Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги қарорларининг асосий талабларини ҳам унутмаслик керак. Коллаверса, вилоятдан кириб келаётган транспорт воситалари ўзининг техник соғлиғи билан пойтахт уловларидан қолишмаслигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Дарҳақиқат, бугун вилоятда йўловчи транспорт тизимини ривожлантириш йўлида салмоқли ишлар олиб борилди. Мақсад – қишлоқ аҳолисининг узоғини яқин қилишдир. Шундай экан, бу ҳолатни қонуний, аввало, эл манфаатидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш лозим. Ана шундагина қўзланган мақсадга эришилади.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

Эртага – сайловлар куни



ЮРТ РАВНАҚИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Халқимиз муҳим сиёсий тадбир арафасида турибди. Эртага мамлакатимизда парламентга ва жойлардаги маҳаллий кенгашларга умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

Юртимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа бўлиши ана шу сайловларни Конституция ва тегишли қонунларимиз талабларига, халқро андоза ва нормаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда, муносиб тарзда ўтказишга алоҳида тайёргарлик кўрилганидан хабаримиз бор.


Шу ўринда айтиш кераки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэтироф этилган тамойиллар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Юртимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: "Сайловда қатнашиш ҳар биримиздан нафақат Конституциямиз ка-

фолатлаб берган овоз бериш ҳуқуқини бажо келтириши, балки фуқаролик бурчимизни чуқур англаш ва бу масалага катта масъулият билан қарашни ҳам талаб қилади", дея бежиз таъкидламасди.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, бугун биз, ҳақиқатан ҳам, Ватанимизнинг эртанги кунини ҳал қиладиган, катта сиёсий жараён арафасида турибмиз. Ўз олдимизга қўйган юксак мақсад-муддаоларимизга етишишда, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим босқич бўладиган бу жараён юртимизда яшаётган барча-барча инсонларга бевосита дахлдор бўлиб, ҳеч ким ундан четда қолиши мумкин эмас.

Зухра ФАЙЗИЕВА,
сайловчи.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



Комолжон ШОДИМЕТОВ:
– У ёки бу партиянинг мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштиришдаги иштироки, унинг давлати бошқарушдаги ўрни ва роли кўп жиҳатдан бўлажак сайловларнинг яқунлари, у муайян халқ вакиллик органида қўлга киритадиган ўринлар сонига боғлиқ. Шу боис "Адолат" партиясининг барча бўғинлари сайловларга тайёргарликка фаол киришди, сайловолди учрашувларида аниқ ғояларни илгари сурмоқда. Жамиятдаги сиёсий баркарорлиқни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат ғоялари уларнинг негизини ташкил этади.



Ўткирбек РАШИДОВ:
– "Миллий тикланиш" партияси ёшларни халқимизнинг азалий анъаналари, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашнинг ўз иштирокидаги дастурига эътибор қаратилган. Бу ёшлардан Ватанга муҳаббат, унинг гуллаб-яшнаши учун ғайрат-шижоат кўрсатишни талаб этади. Агар депутатликка сайлансам, шу йўлдаги қурашни яна ҳам фаоллаштираман.



Фарҳод ХАТАМОВ:
– Мамлакат иқтисодиётининг равнақи тадбиркорлик ҳаракати, хусусий ишлаб чиқариш, катта-кичик бизнес-лойиҳаларни амалга оширишни тақозо қилмоқда. О'ЗЛиДеП тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бозор иқтисодиёти муносабатларини ҳаётимизга чуқур сингдириш ғоялари билан чиқмоқда. Эртанги сайловда халқимиз партиямиз ғоялари ва ҳаракат дастури, унинг номзодлари учун овоз беришига ишонаман.



Иброхон НИЗАЕВА:
– Партиямизнинг истиқбол режалари – ижтимоий устуворликлар – сайловолди дастурида аниқ-равшан ифода-ланган. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилалар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида билим олаётган ёшлар, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни, халқ таълими ва тиббиёт соҳалари ходимларини қўллаб-қувватлаш унинг негизини ташкил этади. Барқарор юқори ҳақ тўланадиган янги иш ўринларини яратиш, уй-жой ва коммунал хизмат сифатини яхшилаш бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг асосий йўналишларидир.

Эртага эрта билан ҳар биримиз сайлов уштакларига чиқамиз. "Ким учун овоз берамиз? Қайси партия халқимиз, Ватанимиз истиқболини аниқ-равшан тасаввур этади? Номзодлардан қайси бирини танлаган афзал?" Шу сингари саволларга тўғри

жавоб бериш ва номзодлар орасидан энг муносибларини танлаб, улар учун овоз бериш Ўзбекистоннинг буюк келажаги сари йўлни тўғри белгилаш демокдир. Боллетенни қўлга олиб, номзодларни танлаш чоғида янглишмайлик.

МАҚСАД БИР, МАНФААТ БИТТА

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Яқунланиб бораётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили миллионлаб юртдошларимиз қатори чирчиқликлар ҳаётида ҳам муносиб из қолдириши шубҳасиз. Юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аввало, инсон манфаатларини кўзловчи мукамал дастур ва истиқболли лойиҳаларни изчил амалга оширишда алоҳида фалонлиқ кўрсатган ҳамшаҳарларимиз янги йилни хушқайфият, ўзгача шоду хуррамлик билан қарши олмақдалар. Бу бежиз эмас, албатта.

2009 йил шахримиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш борасида дадил одимлар ташланди. Аввало, йил мобайнида инвестиция дастури доирасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, умуман, ижтимоий-иқтисодий юксалиш борасида салмоқли натижаларга эришилганини таъкидлаш жоиз. Айни вақтда иқтисодий ўсишнинг башорат кўрсаткичлари бажарилди. Макроиктисодий барқарорлик таъминланди. Хусусан, ишлаб чиқа-

ФАРОВОН ТУРМУШ ОМИЛЛАРИ

ришда саноат маҳсулотларининг ҳажми 371 миллиард, халқ истеъмол моллари 58,9 миллиард сўмга, шаҳарга олиб кираётган инвестиция миқдори 52,2 миллиард сўмга ёки бошқача айтганда, ўсиш суръати 188,8 фоизга етди. Пудрат ишларининг ҳажми 12,4 миллиард сўмдан ошди. Бундан ташқари, шаҳар аҳолисига 40,7 миллиард сўмлик пуллик,

3,7 миллиард сўмлик маиший, 82,7 миллиард сўмлик чакана савдо хизмати кўрсатилди.

Бундай салмоқли кўрсаткичлар ўз-ўзидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" ҳудудий дастурида белгиланган вазифаларни бекаму кўст ижро этиш имконини берди. Шуни

дий-техник базаси мустаҳкамланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборда бўлаяпти. Шу

батада бандлик масалаларининг ечимига ижобий таъсир кўрсатди. Айтайлик, йил давомида шахримизда белгиланган режадан 128 та кўп-жами 4333 та янги иш ўринлари вужудга келди. Шу жумладан, уларнинг 440 дан ортиғи "Қасана-чилик асосидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастури" асосида яратилган иш ўринларидир.

Юртбошимиз мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан 2010 йилни Баркамол авлод йили дея эълон қилдилар. Бу тақлиф зиммаларига янгидан янги шарафли ва залворли вазифалар юклайди. Аминманки, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни давом эттира бориб, янги йилда янада салмоқли ютуқлар сари одимлайверамиз.

Максуд УМАРОВ,
шаҳар ҳокими
вазифасини
бажарувчи.



СУРАТДА: шаҳардаги Ўзбекистон утга чидамли қаттиқ қотишмалар комбинати корхонаси цех бошлиғи Абдулмалик Иноғомов ва уста Умид Мамадалиев иш пайтида.

ШАРОИТИ ШАҲАРГА МОС


Шаҳарда кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича ислохотлар давом этмоқда. Шаҳардаги мавжуд 907 та кўп қаватли уйлардан 843 тасига хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, 64 тасига эса Мудофаса вазирлигининг уй-жой тақсимлаш бўлими томонидан хизмат кўрсатилмоқда.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналар ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга кўмаклашаётир. Шу билан бирга аҳолини ишлаб чиқарилаётган тегишли қонун-қодалар ҳамда норматив ҳужжатлар билан таништириб бораётир.

Шухрат КЕНЖАЕВ,
шаҳар ҳокимлигининг
бош мутахассиси.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАМНУН

Кумуш қишнинг дастлабки оғи ҳам низоламоқда. Бу муддатда шаҳримизда қиш мавсумига тайёргарлик борасида олиб борган кўламли ишларимиз бежиз кетмаганлигини аққол кўрсатиб бермоқда.



"Чирчиқ иссиқлик энергияси" корхонаси тасарруфидан 14 та қозонхона ва 104 километрлик иссиқлик узатиш тармоқлари мавжуд. Айни қиш мавсумида шаҳримиз аҳолиси ва бошқа улгуржи истеъмолчилар корхонамиз томонидан кўрсатилаётган хизмат сифатидан мамнунлар.


Негаки, таъминотда носозлик ва узилишлар йўқ. Бунга эришиш учун барча қозонхоналар мукамал

таъмирланди, иссиқлик узатиш тизимидаги айрим носозликларга барҳам берилди. Шу жумладан 90 километрлик қувурлар жорий таъмирланиб, 3 километр узунликдаги тармоқлар изоляцияси янгиланди.

Бу ишлар аҳолининг мавсуми бетафлот ва хотиржам ўтказишларини таъминламоқда.

Абдуҳамид
ХУДОЙБЕРГАНОВ,
корхона раҳбари.

СУВ БОР – ТАШВИШ ЙЎҚ



Бунинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 январдаги "Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини совуқ ва иссиқ сув ўлчагич приборлари билан жиҳозлаш тўғрисида"ги қарорига асосан шаҳар "Сувоқава" корхонаси томонидан 13 минг 470 донга сув ўлчагич ўрнатиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунгача бу иш низоюсига етказилди. Мавсумга ҳозирлик доирасида шаҳарнинг кўпчили

ҳудудларида ичимлик ва оқова сув қувурларидаги носозликлар ўз вақтида бартараф этилди. Корхонамиз томонидан мавсумда технологик ва электр асбоб-ускуналарини барқарор ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари мувофиқ мавжуд насос ва электр двигателлар соғломдан, 9 километрлик сув тармоқлари мукамал ва жорий таъмирланди.

Юрий ХВАН,
шаҳар "Сувоқава"
корхонаси раҳбари.

Саҳифа материалларини "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари Файрат ШЕРАЛИЕВ, Улғубек ҲАМРОҚУЛОВ ҳамда Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

Чирчиқ шаҳар
ҳокимлиги жамоаси
ўз ҳамшаҳарларини ва вилоятимиз
аҳлини кириб келаятган

яна
2010
йил

билан қизғин муборақбада этак

Азиз ҳамшаҳарлар!

Бошлаган барча эзгу ва хайрли ишларимиз
Баркамол авлод йилида ҳам бардавом бўлсин.
Жонажон шахримизни ободлик,
хонадонларимизни қут-барака тарқ этмасин.

Чирчиқ шаҳри:

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЯНГИ УМИДЛАР САРИ БОШЛАЙДИ

Ўтиб бораётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида тиббиётда ҳам эътиборга арзигulik ишлар олиб борилди. Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш мақсадида бирлашма тизимидаги доволаш-профилактика муассасалари сифатли таъмирланди. Марказий шифохонамизнинг 17 та палатаси замон талаблари даражасида таъмирдан чиқарилди. Бу ишларга 75 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Республика Президентининг "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақ-

Хозирги кунда шаҳар ҳокимлиги ва тиббиёт бирлашмаси савий-ҳаракатлари билан шаҳарда фаолият кўрсатаётган вилоят кўп тармоқли болалар шифо-



МАҚСАД – МАЛАКАЛИ ТИББІЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

садида тез тиббий ёрдам бўлимига қарашли 15 та тез ёрдам автомашиналарига ҳомийлар бириктирилди, уларга техник ёрдам кўрсатиш ва эҳтиёт қисмларга бўлган эҳтиёт аниқланди. Шовилинч тез тиббий ёрдам марказига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тамограф аппарати ажратилиши режалаштирилган эди. Айни кунларда мазкур ускуна ўрнатишга мўлжалланган хонада сўнги таъмирлаш ишлари бажарилаётир.

хонаси, вилоят перинатал маркази, шовилинч тез тиббий ёрдам маркази, вилоят оқули касалликлар шифохонаси ва шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат маркази 2010 йилда капитал реконструкция қилинадиган муассасалар рўйхатига киритилди.

Шаҳар тиббиёт бирлашмаси тизимидаги поликлиника ва марказий шифохонага "Даволаш-профилактика муассасаларини техник ривожлантириш жамғармаси" ҳисобидан 25

миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар олинди. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида тиббий диагностика асбоб-ускуналаридан УЗИ ва ЭФГДС сотиб олиш учун 55 миллион сўмга шартнома тузилди. Бугун-

ги кунда шаҳар аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари мақсадида 3 та "HUNDAI" русумли махсус санитария автомобили ажратилди.

Гулнора
ЗАМАРИДДИНОВА,
шаҳар тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи.

СУРАТДА: – Бизнинг тиббиёт касб-хунар коллежимиз шахримиздаги соғлиқни сақлаш муассасаларига малакали ўрта бўғин кадрлар етказиб берувчи етакчи таълим маскани ҳисобланади, – дейди коллеж ўқитувачиси Ёкуб Қурганов (уртада).

ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС

Одатда эски йилни кузатар эканмиз, ортимизга назор ташлаймиз, бажарилган ишларни сарҳисоб қиламиз, келгуси йил режаларини тузамиз. Қишлоқ та-

раққиёти ва фаровонлиги йилида барча соҳалар каби таълим тизимида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилганини эътироф этиш мумкин.

15, 9, 6-ўқув масканларида турли машғулотлар ташкил этилди. Бундай тадбирлар таълим сифатини ошириш, дарсларни уйғунлаштириш ҳамда ўқув дастури мазмунини бойитишда катта аҳамиятга эга. 2008-2009 ўқув йилида 2298 ўқувчи 9-

синфини битириб, таълимнинг кейинги босқичига жалб қилинди. Қувонарлиси шундаки, уларнинг аксарияти мактабларини яхши баҳоларга битирди.

Ўтиб бораётган йилда шаҳар халқ таълим муассасаларида турли кўрик-танлов-

лар ўтказилди. "Янги авлод – 2009" республика болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 400 ўқувчи иштирок этиб, бешта йўналиш бўйича 38 ўқувчи биринчи босқич совриндорлари деб топилди. Вилоят босқичида миллий қолгу асбоблари – най бўйича 2-мактаб ўқувчиси Омонбек Риксимбоев, рақс бўйича 9-мактаб ўқувчиси Ситора Сирожева, 12-

мактабдан Дилбар Эшматова 1-ўринни эгалладилар ва республика босқичига йўлланма олдилар. 2009-2010 ўқув йили "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили" деб номланган муносабати билан Халқ таълими вазирлигининг ўқув методик қўллашмаси асосида алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётир. Бу савий-ҳаракатларни янги 2010 йилда ҳам давом эттираётир.

Юртбошимиз 2010 йилни Баркамол авлод йили деб номлашни тақлиф этар экан, "... барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини қўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи туради", деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни шунда. Биз маорифчилар бу эзгу ишларни бажаришда ҳамisha камрабастамиз.

Замира ШАМАДИЕВА,
шаҳар халқ таълими
бўлими мудири.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида шаҳар ҳудудини ободонлаштириш ва кўкалмзорлаштириш ҳамда унинг қиёфасини кўркамлаштириш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди.

МАНЗИЛЛАР ОБОД БЎЛДИ

Жумладан, шаҳар ҳудуди, боғ ва хиёбонларга йил давомида 47 800 донга мевали, манзарали ва бошқа турдаги дарахт кўчатлари экилд.

2009 йилда шаҳар ички автомобиль йўллари таъмирлаш учун 275,2 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, ички ва марказий автомобиль йўли ёқаларидаги 2650 дан зиёд ҳар хил дарахтларга шакл берилди.

Жамол САИТОВ,
шаҳар ободонлаштириш
бўлими бошлиғи.

Шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидан 25 та умумтаълим мактаби, 29 та мактабгача таълим муассасаси ва 9 та мактабдан ташқари билим даргоҳлари фаолият кўрсатаётир. Умумтаълим мактабларимизда 21062 нафар ўқувчи, мактабгача таълим муассасаларида эса 4264 тарбияланувчи таълим-тарбия олади.

Мактаб таълимининг ривожлантириш, ўқитувчиларнинг билим ва малакаларини ошириш, педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондиришда олий ўқув юртлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда вилоят педагогика институтини ҳамда Тошкент давлат педагогика университети билан изчил алоқалар йўлга қўйилди. Вилоят педагогика институтини билан тузилган шартнома асосида 2009-2010 ўқув йилида мактабларда ишлаш учун 12 нафар ёш мутахассис жалб этилди.

Халқ таълими вазирлиги, БМТнинг Халқаро Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ ҳамкорлигида "Болага дўстона муносабатдаги мактаб" дастури доирасида шаҳардаги



СУРАТДА: шаҳардаги 10-мактаб ўқувчилари фанларни замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ўзлаштирмоқдалар.

TASH-KVA-TRANSSERVIS:

ТЎҚСОН ФОНД МАХСУЛОТ ЭКСПОРТБОП

Ероти бойликларини қазиб олиш, умуман қончилик тармоғини қонвер ленталарисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ана шу ленталарини айланттирувчи асосий қисм галтак (ро-лик)лардир. Оҳангарон, Олмалик, Зарафшон шаҳарлари қонлари учун зарур бўлган галтаклар хориждан келтирилади. Бу эса, валютаси со-

тиб олингани боис қимматга тушиши-дан ташқари, таъминотда узиллишлар бўлиши ҳам табиий ҳол эди. Шу муаммо галтакларни ўзимизда иш-лаб чиқаришни йўлга қўйишни тақо-зо этди. Натижада 2005 йили "TASH-KVA-TRANSSERVIS" масъулияти чек-ланган жамиятини барпо этишга асос солинди.

ланган қисмларини тайёр-лашда ишлатилади. Бундан ташқари, текстолитдан тайёрланган буюмларни те-мирдан фарқли уларок бўйша-га ҳолат қилибди. Кимёвий моддаларга ётарлича бардош беролмаслигига қарамай, ба-килти лаки ёрдамида химоя-лаб, кимё саноатида ҳам иш-латиш мумкин. Текстолит бир неча йиллардан бери метал-лургия қорхоналаридаги про-кат дастгоҳларида подшиб-никларнинг бронза вклд-дишлари ўрнида ишлатиб келинаёпти.

Келгуси йилдан қорхо-намизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш режа-лаштирилган, — дейди бош директорнинг тижорат ишла-ри бўйича уринибсари Рус-тамжон Курбаналиев. — Кор-хонамиз маҳаллийлаштириш дастурига кирганлиги туфай-ли маълум муддат турли им-тиёзлардан фойдаланиш, жумладан, айрим солиқ тур-ларидан озод бўлишимиз ҳисобига тежаллашган маб-лағларни мамлакатимизда ётарли бўлган графитдан кенгрок фойдаланишни йўлга қўйишда фойдаланмоқ-чимиз. Олдимизга қўйган ре-жаларимизга мувофиқ графит-тапаст, графитли ёғламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Шуни алоҳида таъ-кидламоқчиманки, Ташки-иктисодий алоқалар вазири-лиги ва "Алоқа банк" томо-нидан 2008 йилда ўтказил-ган "Йилнинг энг яхши ло-йиҳаси" танловида иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгал-лаганимиз бизни ҳозир бош-ламоқчи бўлган ишларимиз-ни жадаллаштиришга рух-лантирди.

Республика Президентининг ташаббуси билан иш-лаб чиқилган маҳаллийлаш-тириш дастури ва уни тўла амалга ошириш учун астой-дил ҳаракат қилаётган тад-биркорларга Ватан равақи, унинг буюк келажигани бунёд этишлари учун кенг имкониятлар йўлини очиб бериши шубҳасиз. Бироқ, шу қадар кенг имкониятлар яратилишига қарамай, айрим қорхоналар ҳалигача "TASH-KVA-TRANSSERVIS" МЧЖ ишлаб чиқараётган махсу-лотларни чет эллардан ва-люта эвазига қайтариб кели-гани ачинарли ҳолдир.

Абдусамат йўлдошев, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



ўзла қорхонамизда 30 киши фаолият юритмоқда. Қорхонада ишлаб чиқари-лаётган капролон конструк-цион ва антифрикцион ва-зифаларга мувофиқлашган кўп қиррали материал бўлиб, втулка, облицовка, йўналивчи узеллар, шкиф, блок, 30 тоннагача юк ости-да ишлайдиган кўтарма ме-ханизмлар учун гилдирак ва галтаклар, гидравлик арава-ча ва транспортёрлар тайёр-лашда ишлатилади.

Капролоннинг эътиборга-лоий асосий томонларидан бири экологик тоза махсу-лотлигидир. Шундай экан, барча ёғ-мой қорхоналари-да, гўш махсулотларини қайта ишлашда, қондир-махсулотлари чиқаришда, қолаверса, умуман, озиқ-овқат махсулотлари билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча қисмларни қўллашда бугунги кунга қадар капролондек хавфсиз ва чидамли материал кашф этилмади. Бундан ташқари, одамлар учун протезлар тайёрлашда, стоматология-да қўлланиш учун кўп мар-

тали усуналар ишлаб чиқаришда ушбу материалдан фойдаланиш устиде катта изланишлар олиб боришмоқ-да. Унинг бошқа барча металлар билан ишқаланиш коэффициент паст, шовқин ва тебранишларни сусайти-ради, қаттиқлиги бронза билан тенг бўлишига қара-май, бронза ва пўлатга нисба-тан 6-7 баравар енгил, шунингдек, учқунга нисба-тан хавфсиз. Капролондан тайёрланган буюм ишқала-ниб емирилишни икки ба-равар камайтиради, бунинг эвазига нафақат ўзининг, балки бевосита бирига иш-лаётган металл буюмининг ишлаш муддатини ҳам 1,5 баравар узайтиради. Унинг металл, бронза ва баббит-дан тайёрланган эҳтиёт қисмлар ўрнига ишлатили-ши электр энергиясини 30 фоизгача тежалаш ҳамда де-талларнинг ишлаш муддати-ни бир неча баравар оши-риш имконини беради.

Текстолит эса, прокладка, шайба, подшибник вклдиди-шлари, шкиф, товуш чиқар-майдиган шестерня ва транс-форматорларнинг изоляция-

Ўзбекистон Республикаси
Давлат архитектура
ва қурилиш қўмитасининг

Тошкент вилояти бўйича
Давлат архитектура-қурилиш
назорати инспекцияси

ж а м о а с и

Ватандошларимизни
Янги – 2010 йил билан
самимий муборакбод этади.

Янги йилда жонажон
юртимизнинг
ҳар бир хонадонидан тинчлик,
фаровонлик, бахт-саодат,
қут-барака аримасин.
Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!

Инсон ва қонун ЕРГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ

Ер – табиатнинг бебаҳо неъматидир. У том маънода одамларни боқайди, кийинтиради, ҳаётини барча эҳтиёжларини қондиради. Ернинг мўжиза-зорлиги шундаки, у нафақат деҳқончилик билан боғланган оилаларни, балки барча тармоқ ишчи-хизматчиларини ўз неъматлари билан сий-лайди.

Қунадалик фаолиятимиз шунчи қўрсатмоқдаки, айнан ер муносабатлари билан боғлиқ бўлган низолар ҳануз уяраб турибди. Маълумки, судларда ер билан боғлиқ бўлган низолар асосан 1998 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган "Ер кодекси" ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Олий суди Пленумининг қарорлари ва бошқа қатор қонун талаб-ларига асосан ҳал қилина-ди.

Ўзбекистон Республика-си "Ер кодекси"нинг 31-моддасига қўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи жойининг ўзиде чегаралар белгиланганда, ер участ-касининг режа чизмалари ва тавсифлари тўлиқлиги, унга бўлган ҳуқуқ давлат рўйха-тида олинганда вужудга келади.

Судларда ваколатли орган ёки мансабдор шах-сларнинг ер муносабатлари-ни тартибга солиш юзаси-дан қабул қилинган қарор-лари ёки ҳатти-ҳаракатла-ри устидан келиб тушган давлоларда асосан бузил-ган ҳуқуқларни тиклаш, моддий ва маънавий зарар-ларни қоплаш талаби қўйи-лаяпти.

Мамлакатимизда қабул қилинган "Ер тўғрисида"ги қонун ҳужжатларининг асо-сий вазифалари ҳозирга ва келажак авлодларнинг ман-фаатларини қўллаб, ердан илмий асосланган ҳолда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофиза қилишни, тупрок унумдорлигини тик-лаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхши-лашни, ҳўжалик юртиши-нинг барча шакллари-ни тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шаро-ит яратиш, юридик ва жис-моний шахсларнинг ер

Умрим мобайнида бирор ташкилотга ёки тах-ририятга шикоят ёзган эмасман. Бунга ҳолат ҳам бўлмаган. Ҳаётда учрайдиган ҳар қандай катта-кичик муаммони аввало, ўз ақл-иҳкомим-га, қолаверса, ҳақиқат адолат устун келишига ишониб, амалдаги қонунчиликка таяниб ҳал эти-ганман. Бинобарин, ҳақиқат букилиши, этили-ши мумкин, лекин сиймайди, дейишди. Ягона шарт, ҳақиқат излаётган инсоннинг ўзи тўғрисида, ҳалол бўлса бас.

Бир вақтлар мен меҳнат фаолиятимни оддий ош-пазликдан бошлаган эдим. Йиллар мени тоблади, тар-биялади. Ўзимга яраша ҳаётини тахрибга ортирдим. Турли ташкилотларда меҳ-нат қилдим, раҳбарлик ла-возимларида ишладим. Минг шукрки, қаерда бўлмай, қай мансабда иш-ламай, ортимдан фақат яхши ном қолдиришга ҳаракат қилдим. Бугун эса, юртимизда ҳусусий сек-торнинг изчил қўлла-қув-ватланаётгани боис, мулк-дорга айландим. Бўстон-лик туманидаги "Қўрган" ҳусусий агрофирмаси раҳ-бариман.

Қўлмимга қалам тутиб, тахририятга ушбу тах-қали мурожаат қилишим-нинг боиси ҳам ана шу аг-рофирмаимиз теварағидаги можаролардир. Гап шунда-ки, "Тошкент ҳақиқати" га-зетаси бу ҳусусда икки марта чиқиб кетди. Булар муҳбир Жўра Садуллаев-нинг газетанинг 2007 йил 8 сентябрь сонидеги "Гал-васойнинг галвали гектар-лари" ҳамда шу йилнинг 28 октябрь сонидеги "Ўн гектар ер мамлашаси" номли мақолаларидир. Мен чўқур қайғуга солаётгани ва жиддий таш-вишлантираётгани ҳар икки мақолада ҳам фақат бир томон манфаатлари ҳимоя қилинган. Энг ёмони, бу мақолаларда

берилган. 1997 йили 29 декабрдаги 672-сонли қарор билан эса гўёки биз билан ер талашаётган "Ал-ғабас" фермер ҳўжалиги-га, яъни Давлат Дўйсенов-га 147 гектар ер ахратил-ган. Кейинчалик, 672-сон-ли қарорда қўзда тутилган ер майдони амалда 107 гектар эканлиги маълум

рат қилувчи идоралар то-монидан ўтказилган тек-ширишларда бу ер ҳақиқатдан ҳам 25 гектар эканлиги тасдиқланган. Шундай экан "Алғабас" фермер ҳўжалиги биздан талаб қилаётган 10 гектар ер ана шу 25 гектар май-доннинг ичиде бўлиши мумкинми?

Айнан мана шу масала ҳўжалик судларининг бар-ча инстанцияларида кўриб чиқилиб, "Алғабас"нинг давлолари рад этилди. Ҳатто республика Олий ҳўжалик суди бу ишга ҳў-та қўйгандан кейин ҳам Дўйсенов энди бошқача даъвою талаблар билан ҳар жойга изиллаб югури-шини, энг ёмони ўз хо-ҳалларига газетани ҳам шерик қилишини қандай тушуниш мумкин?

Дарвоқе, яна бир гап. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 29 июл-даги 11-0930/91-76-сонли иш юзасидан қабул қилган ҳал қилув қарори устидан "Алғабас" фермер ҳўжали-ги томонидан берилган апелляция шикоятни очик суд мажлисида кўриб чи-қилди ва... "Алғабас" фер-мер ҳўжалигидан "Қўрган" ҳусусий агрофирмаси фой-дасига 1 миллион 500 миң сўм миқдорда кўрилган зарарини ундириш тўғриси-да қарор қабул қилинди. Дўйсенов бу пулни тўлади ҳам.

Хуллас, гапирсанг, ёз-санг гап қўра. Лекин ҳал-қилимизда битта гап бор. Уймай айтсанг ҳам, ўйлаб айт, дейишди. Бу гапдан ҳар биримиз ҳулоса чиқар-олмас ёмон бўлмасди. **Карим ҚўРҒОНОВ, Бўстонлик туманидаги "Қўрган" ҳусусий агрофирмаси раҳбари.**

Ибрат ҲОЗИРЖАВОБЛИК

Она-Тереза – фақат аёлларгагина хос буюк қалб соҳибаси. Кучли ирода эгаси бўлган бу роҳиба аёл ўзининг мар-дона ишлари билан Меҳр-шафқат орденига асос солди ва у ҳамма нарсадан мосуво бўлган ўн минглаб инсонларни асраб қолди.

Шу эти устухониға ёпишган, ушқоқина аёл муҳов дардиға чалинган. — Мен ҳам, — дея жа-воб берди Она-Тереза. — Фақат Яратганнинг йўли-да қиламан бу ишни.

"EVRO AVTO DIZEL" ҳусусий қорхонасининг устав фонди 42 000 000 сўмдан 10 000 000 сўмга қамасди. Ўтирозлар 101-63-83 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Сергели туман БТИ томонидан Строитель мавзеси, 16-уй, 52-хонадон манзилда яшовчи Холтоева Назокат Фатхуллаевна номи-га берилган уй план ҳужжатлари йўқолигани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную гувоҳнома № 003989-04, выданную 31.07.2008 г., хохимиятом Мирзо Улугбекского района г. Ташкента ООО «YANGI ZAMON INVEST».

Утерянные кадастровые документы на здание магазина за ре-естр. № 7-433/04 от 30.07.2004 года № К 2623380915, расположе-ное по адресу: г. Ташкент, Юнусбадский район, 18-й квартал, д. 1-Б, выданные на имя Мирзахидова Хамидуллы Хабибуллаевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

"Республика Қўмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Қўрай т. "Ариг-савдо" УКА сақ-ланаётган қўйлаган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аук-цион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун та-лабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузила-диган зақлат келишувга асосан, мулк бошла-ниқларда зақлат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, таъминоти кўрсатган ҳолда қўрақ қўрақ ва савдосини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАКБ "Ипак йўли банки"нинг Сағбон ф-даги қўйлаган ҳисоб рақамига тўлаш-лари шарт: 2010000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850, Манзилнинг: Тошкент ш. С. Раҳимов т. М. Ураббеов қўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

